



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 21-may, shanba,
58 (23.625)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Меросхўрнинг
хатоси шундаки,
у меросни
қўлга киритгач,
боқимандага
айланиб
қолади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш ҳамда фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш мақсадида:

1. **2022 йил 1 июндан бошлаб** бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори 12 фоизга оширилсин.
2. **2022 йил 1 июндан бошлаб** Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида: меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига **920 000 сўм**; базавий ҳисоблаш миқдори — ойига **300 000 сўм** этиб белгилансин.
3. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

4. Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 августдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-6279-сон Фармонининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш учун масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 20 май

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ КУЧАЙТИРИЛАДИ



Самарқанд шаҳрида "Инвестицион фаолиятда коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш" мавзусида биринчи минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Семинар БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси кўмағида коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Бош прокуратура ҳамкорлигида "Ипак йўли иқтисодий макони бўйлаб жойлашган давлатларда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш орқали барқарор ривожланишга қўмаклашиш" лойиҳаси доирасида ташкил этилди. БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича минтақавий бошқармаси вакили Ашита Миттал, Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Баҳриддин Валиев, коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурхонов семинарнинг аҳамияти ва ундан кўзланган мақсад ҳақида сўз юритди.

Уч кун давом этган семинарда инвестицион лойиҳаларни тайёрлаш ва амалиётга жорий этишда коррупцион ҳуқуқбузарли-

кларни текшириш (тергов қилиш), турли юрисдикцияларнинг тажрибаси ва стандартларига асосланган потенциал ечимлар ҳамда мазкур йўналишдаги асосий мақсад ва муаммолар, мавжуд ижобий амалиёт масалалари иштирокчилар эътиборда бўлди. Ушбу лойиҳа 2021 йил 11-12 декабрь кунлари Шарм-эш-Шайхда бўлиб ўтган БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига аъзо давлатлар конференциясининг тўққизинчи сессияси доирасида расман ишга туширилган эди.

Бугунги кунга қадар лойиҳага Албания, Арманистон, Озарбайжон, Босния ва Герцеговина, Хитой, Грузия, Греция, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Монғолия, Черногория, Сербия, Тожикистон, Туркия ва Ўзбекистон қўшилган.

Семинарнинг асосий мақсади - иш-тирокчи мамлакатларда инвестиция фаолияти ва инвестиция сиёсати соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича амалий, асосланган ва истиқболли ёндашувларни муҳокама қилишдан иборат, - дейди Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Баҳриддин Валиев. - Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, инвестиция маблағларини жалб этиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти

билан боғлиқ қонунбузилиш ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, прокуратура органлари томонидан ўтган йил тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш мақсадида 29 мингдан ортиқ тадбиркор ва инвесторларга амалий кўмак берилди. Қўрсатилган амалий кўмак натижасида 16 мингдан ортиқ янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Етти мингга яқин корхона фаолияти тикланди ва 28 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ 24 мингга яқин ҳолат аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, 885 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. 619 та ноқонуний ҳужжат юзасидан протест келтирилди. Судларга 708 та даъво аризаси киритилди.

Семинар ишида Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ давлатларидан келган вакиллар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўз мамлакатлари тажрибасига бағишланган тақдиротлар ҳам ўтказилди.

19 май куни вилоят коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

Унда кенгаш аъзолари билан бирга Республика коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари масъул ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда вилоят солиқ органларида коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. Шунингдек, вилоятда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишлар таҳлил қилинди.

Статистик маълумотларга кўра, вилоятда 2021 йилда 316 нафар турли даражадаги мансабдор шахс коррупцион жиноят содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 23 нафари вилоят, 293 нафари шаҳар ва туман даражасидаги давлат идораларининг мансабдор шахсларидир.

Солиқ органлари тизимида содир этилган жиноятлар таҳлилига кўра, 2021 йилда вилоятда солиқ хизмати органларининг 10 нафар ходимига нисбатан 7 та жиноят иши судга юборилган. Шунингдек, иш фаолиятида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун вилоят давлат солиқ хизмати органларининг 120 нафар ходимига ҳайфсан, 32 нафарига ўртача ойлик иш ҳақининг 20 фоизидан 50 фоизига қадар миқдорда жарима қўлланилган. 5 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилиб, 37 нафари тизимдан бўшатирилган.

2022 йилнинг ўтган даврида эса вилоят давлат солиқ хизмати органларининг 39 нафар ходимига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Йиғилишда солиқ базасини кенгайтириш, солиқларни ҳисоблаш ва ундириш, имтиёزلарни қўллашда ҳам қўллаб-қувватлаш бўлиши ҳолатлари ва суиистемолчиликлар мавжудлиги, давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги вилоят бошқармаси тизими ходимлари томонидан ер сотиш билан боғлиқ коррупцион жиноятлар кўпайгани қайд этилди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурхонов бу каби салбий кўрсаткич ва рақамлар вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимлик тизими билан бирга коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашини ҳам ўйлантириши лозимлигини таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, ҳудудий кенгаш ўз фаолиятини танқидий жиҳатдан кўриб чиқиши, мониторинг ва назорат тадбирлари ўтказиш, эшитувлар ташкил этиш каби усуллардан самарали фойдаланиш юзасидан аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда ҳудудий кенгаш аъзолари, вилоят давлат солиқ бошқармаси раҳбарлари сўзга чиқиб, таҳлиллар ва кўрсатиб ўтилган камчиликлардан ҳулоса чиқарган ҳолда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишларни кучайтириш бўйича ўз фикрларини билдирди.

Ёшлардан жиноят эмас, эзгу ташаббуслар кутамиз

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўпайиб бораётгани аччиқ ҳақиқат. Айрим ҳудудларда бу турдаги жиноятлар умумий жиноятларнинг 25 фоизгача етмоқда. Таҳлилларга кўра, 2022 йилнинг биринчи чорагида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 189 тага ошган. Жиноятларнинг 13 таси хотин-қизлар томонидан, 26 таси олий таълим муассасалари талабалари томонидан ҳамда 169 таси бандлиги таъминланган, турли корхона ва ташкилотларда ишловчи ёшлар томонидан содир этилганлиги аянчли ҳолат деб баҳоланди.



Вилоят ҳокимлигида видеоселектор шаклида ўтказилган йиғилишда ушбу масала мутахассислар ва ёшлар вакиллари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов аввало, ёшларнинг жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишига сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, ёшларнинг иш-сиз ёки бирор бир фойдали машғулот билан банд эмаслиги, эътиборга муҳтожлиги, ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги кўп ҳолларда уларнинг нотўғри йўللارга кириб кетишига сабаб бўлаётгани қайд этилди. Шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтириш зарурлиги айтилди. Муҳокамада ёшлар ўртасида

жиноятчиликларнинг олдини олиш ва уларни кескин камайитириш бўйича секторларда олий борилаётган ишлар танқидий таҳлил қилинди. Бу борада Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарлари, Булунғур ва Жомбой туманлари сектор раҳбарлари томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга олиб бораётган ишлари талаб даражасида эмаслиги қайд этилиб, сектор раҳбарлари огоҳлантирилди.

Ёшлар - келажагимиз, эртамин эгалари, деган гапни кўп айтамин, лекин ҳамма ҳам бунинг моҳиятини англамайди, - деди вилоят ҳокими йиғилиш якунида. - Келажагимизнинг қандай бўлиши ёшларга эмас, сизу бизга, катталарга боғлиқ. Уларга тўғри таълим-тарбия бериб, эзгу ишларга йўналтирсак, орзу-мақсадларига эришишлари учун шароит яратсак, қўллаб-қувватласак, эртанги кунимиз ёруғ бўлишини таъминлаган бўламин.

**Вилоят ҳокимлиги
ахборот хизмати.**

►► **Бизнинг суҳбат**

Одамлар МИБдан нега норози?

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари зиммасига юклатилади. Тизимда қандай ўзгаришлар кузатиляпти? Унга янги ҳодимлар ҳам ишга олинадими? Ҳужжатлар тўлиқ ижро этилмаётганига нима сабаб бўлмоқда? Шу ва бошқа саволларга жавоб олиш учун Бюронинг вилоят бошқармаси бошлиғи Алишер Зокировга мурожаат қилдик.



(Давоми 2-саҳифада) ►►

Ҳар йили мактабларда ўқув йили якунида "Битирув кечаси", "Сўнгги кўнғироқ" тадбирлари ва мактаб таъмири учун ўқувчилардан пул йиғиш авж олади. Табиийки, бу ҳолат ота-оналарнинг эътирозига сабаб бўлади. Халқ таълими вазирлиги ушбу масала юзасидан ўз муносабатини билдирди.

ПУЛ ЙИҒИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

"Жорий йилнинг 25 май куни барча умумий ўрта таълим муассасаларида 2021-2022 ўқув йили якунланиб, "Сўнгги кўнғироқ" тадбирлари бўлиб ўтади.

Тадбирлар мактаб ҳовлиси боғида ёки соясалқин, очик майдонларда ўтказилади. Мактаб ҳудудига бегона шахслар киритилмайди.

Мактабларда мазкур тадбир соат 8:00 дан 8:45 га қадар, тавсия этилган сценарий асосида ўтказилади. Унда йил давомида аъло баҳоларга

ўқиб, юқори рейтинг кўрсаткичларига эришган иқтидорли битирувчилар рағбатлантирилади.

"Сўнгги кўнғироқ" тадбирлари, босқичли назорат имтиҳонлари ва якуний давлат аттестацияларини ўтказишда, таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш борасида ўқувчи ва битирувчилар ҳамда уларнинг ота-оналаридан турли хил пул йиғимлари қатъиян тақиқланади", дейилади вазирлик ахборотида.

Одамлар МИБдан нега норози?

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

- Алишер Асрорович, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган тамойил асосида давлат бошқаруви идораларида катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Таҳлилларга кўра, бошқарув органлари орасида энг кўп норозилик коммунал соҳа қатори МИБдан ҳам бўляпти. Бунинг сабаблари нимада, деб ўйлайсиз?

- Ахборот технологиялари ривожланган даврда яшаямиз, нафақат қайсидир шахслар, мансабдорлар, балки бутун ташкилотлар ҳам ўз фаолияти билан омма эътиборига тушади, баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Мажбурий ижро бюроси органлари ҳам бундан холи эмас. Ҳафтанинг бирор кунни, ойнинг бирор ҳафтаси йўқки, бюро фаолиятига оид хабарлар эълон қилинмаса.

Тарқатилаётган ҳар бир хабар ва маълумотни таҳлил қилиб, унга объектив баҳо беришга ҳаракат қиламиз. Яшириб нима қилдик, фаолиятимизга оид маълумотларни ёритишда ҳар доим ҳам объектив баҳо берилмайди. Ҳолатга бир томонлама ёндашилиб, амалдаги қонунчилик талаблари инобатга олинмапти. Бундай ҳолатларда оммавий ахборот воситалари ва журналистларга расмий муносабатимиз ёки раддия-мизни билдираимиз.

Агар ходимнинг хатоси ёки айби бўлса, унга муросасиз муносабат билдирамиз ва қатъий чора кўрилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозим, бюро фаолиятига оид ҳар қандай масала бўйича кун-у тун ишловчи “1107” рақамли “ишонч телефони”га мурожаат қилиш мумкин.

- Лекин ижтимоий тармоқларда бошқа идоралар билан МИБ ўртасида электрон ҳамкорлик қутилган даражада ўрнатилмаган, деган эътирозлар кузатилади. Айтинг-чи, бу борада асосан қайси ташкилот-идора билан муаммолар кузатиляпти?

- Ҳозирги кунда Мажбурий ижро бюроси тизимида ходимларимиз учун корпоратив бўлган “МИБ портал” тизими ишга туширилган. Бюро органларига суд ва бошқа органлар томонидан юборилган ижро ҳужжатлари ушбу тизимда муҳасамалашган. Бу тизим 60 дан ортиқ ташкилотнинг ахборот тизимлари билан интеграциялаштирилган.

Бу содда қилиб айтганда, Бюро органлари иш юритувида мавжуд ижро ҳужжатларининг умумий базаси ҳисобланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари ҳам Бюро органларига бормасдан, суд ёки бошқа органлар ҳужжатлари бўйича қарздорликлари бор ёки йўқлигини аниқлашлари мумкин. Аниқланган қарздорликни электрон тўлов тизимлари орқали ҳеч қаерга бормасдан бартараф этиш учун Мажбурий ижро бюроси томонидан мобил телефонларда ишлагга мўлжалланган алоҳида “MIB UZ” номли мобил ило- ва ишлаб чиқилган. Ундан фойдаланиб, қарздорликни Ўзбекистон Республикасидан чиқши ҳуқуқларини

текшириш, алимент калкуляторни, ижро иши мониторинги хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Mib.uz расмий веб-сайтида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг Бюро органлари иш юритувида уларга тегишли ҳужжатлар борлиги, қарздорликларни текшириш имконияти мавжуд.

- Гапларингизга кўра, тизимга келиб тушаётган ҳужжатларни таҳлил қилиш ҳам бир қадар осонлашган. Шу маънода айтинг-чи, ўтган йили фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан Мажбурий ижро бюросига юборилган қарорларнинг қанчаси қайтарилган? Қолдиқда қолганлари қанча?

- Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2021 йилда жами 141 минг 231 та ижро ҳужжати иш юритувга келиб тушган (2020 йилдан қолдиқда ўтган 53 минг 44 та ижро ҳужжатлари ҳам мавжуд эди) ва шундан 49 минг 19 та ижро иши қайтарилган, 92 минг 212 та ижро иши кўзғатилган.

Жами иш юритувидаги 145 минг 256 та ижро ишдан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 41, 25, 37, 40, 62-моддалари билан тамомланган ишлар 65 минг 575 тани ташкил этади. Амалда ижро этилганлари эса 36 минг 121 та ижро ишидан иборат. Бу даврдан қолдиқ бўлиб, жорий йилга 79 минг 681 та ижро иши ўтган.

- Энг кўп қолдиқ қайси туманда кузатилган? Қайтарилгани-чи?

- Туман-шаҳарлар кесимида энг кўп қолдиқ Самарқанд шаҳрида 11 минг 743 тани, Паст Дарғом туманида 9 минг 359 тани, Пайариқ туманида 8 минг 228 тани, Ургут туманида 5 минг 992 тани, Самарқанд туманида 5 минг 551 тани, Жомбой туманида 4 минг 2 тани ташкил этади.

Энг кўп қайтарилган ижро ишлари Самарқанд шаҳрида 15 минг 918 та, Ургут туманида 8 минг 200 та.

- Суд ҳужжатлари айрим ҳолларда жавобгарнинг мол-мулки йўқлиги сабабли ижро этилмай қолдирилган. Ўтган йили суд ҳужжатларининг неча фоизи айни сабаб билан ижро этилмаган? Сизнингча муаммони қай тарзда ечиш мумкин?

- Тўғри, ижро ишини юритишда жавобгарнинг мол-мулки йўқлиги сабабли ижро этилмай қолдириладиган ҳолатлар учраб туради. Мисолларга келсак, биргина ўтган йилда 49 минг 502 та ижро иши қарздорнинг мулки йўқлиги сабабли тамомланган.

Бундан 15 минг 103 таси ундирувчининг ўз аризасига кўра, 1 минг 134 таси қарздор йўқлиги сабабли, 81 таси ундирувчи қарздорнинг сотилмаган мулкни олмаганлиги, 398 таси ундирувчи ўз ҳаракатлари билан ижро ҳужжатиининг ижро этилишига тўқинлик қилгани сабабли, яъни қарздордан олиб қўйилган муайян ашёларни олишдан воз кечганлиги сабабли тамомланган.

- Тизимда ходимларнинг иш юкламаси кескин ошганлиги, яъни ижро қилинадиган ҳужжатлар сони кўплиги ҳақида айтила-

ди. Масаланинг ечими сифатида қўшимча штатлар ажратилиши ҳақида таклифлар берилганми?

- Тўғри, давлат ижрочиларининг иш юкламаси бошқа вилоятларникига нисбатан кўпроқ. Бу албатта, вилоятимиз аҳолисининг кўплиги билан боғлиқ. Ходимларимиз буни яхши тушунади ва ишни шунга қараб ташкиллаштиради.

Штатлар масаласига келсак, бу бўйича таклифлар берилган, масала Бош прокурор ва Бюро директори ҳамда бошқа тегишли вазирликлар томонидан кўриб чиқилади.

- Одатда, бошқа тизимларга фуқароларнинг ишга кириш истигади “югуриб” юрганлиги кўп кузатилади. Бироқ МИБ билан бундай ҳолат учрамайди. Тизимга янги ходим қабул қилиш тартиби қандай?

- Бюронинг вилоят бошқармаси органларига кадрларни танлаш ва тарбиялаш соҳасида “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида хизматни ўташ тўғрисида”ги низом ҳамда Мажбурий ижро бюроси директорининг 2021 йил 18 январдаги “Мажбурий ижро бюроси органларига кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш соҳасидаги фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги буйруғи талабларига қатъий риоя қилинади.

Бюронинг вилоят бошқармаси тизимида 265 нафар тезкор ва 73 нафар техник ходим фаолият юритади. Жорий йилнинг ўтган уч ойида Бюронинг вилоят бошқармаси органларига 10 нафар ходим қўри лавозимларга ўтказилди.

Ушбу даврда Касб одобномаси талабларини бузган 20 нафар ходимга интизомий жазо чоралари қўлланилган, 1 нафар ходим қўйи лавозимга ўтказилди, 4 нафар ходим Бюронинг вилоят бошқармаси органлари тизимдан бўшатилди.

Бундан ташқари, ходимларнинг масъулиятини ошириш, улар томонидан номуносиб ва ноўя хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида 67 марта профилактик тадбирлар ташкил қилинган. Шундан 27 нафар ходим билан индивидуал тартибда профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Шунингдек, доимий равишда давлат ижрочиларининг муомала маданияти ва ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиниши юзасидан эксперимент тадбирлари ўтказилиб, ахлоқ-одоб нормаларига риоя қилмаган ходимларга нисбатан қатъий муносабат билдириб боришмоқда.

Албатта, амалга оширилган самарали ишларимиз билан бир қаторда, суд ҳужжатлари ва бошқа ваколатли органларнинг қарорлари ижросини таъминлаш борасида хали кўплаб камчиликларни бартараф қилишимиз лозим. Бу борада аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда.

- Мазмунли суҳбат учун ташаккур!

Ё.МАРҚАЕВ суҳбатлашди.

18 май куни Самарқанд шаҳрида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда туман (шаҳар)лардан 350 дан зиёд корхона, ташкилот 7000 дан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди.

Ярмаркада иштирок этган ишсиз фуқароларнинг 355 нафарига ишга жойлашиши учун йўлланмалар берилди.

- 2018 йилдан буён ишсизман, 3 нафар фарзандим бор, ўзим II гуруҳ ногирониман, - деди Иштихон тумани Бўронхўжа маҳалласида яшовчи Шерали Мавлонов. - Туманимиздаги буюк чиқарадиган корхонадан иш топдим. Корхона ходимлари “Келинг, сизга мос иш топиб берамиз”, дейишди. Хозирча оиламни 630 минг сўм ногиронлик пенсияси ва бола пули (нафақаси) билан тебратаяман.

- Биз 26 та бўш иш ўрни билан қатнашяпмиз, - деди “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти Самарқанд филиали муҳандиси Қобил Шерматов. - Ҳозирча 4 киши операторлик вазифасига иш сўраб мурожаат қилди. Ушбу вазифага ўрта махсус маълумотга эга, компьютерда ишлашни биладиган ходимлар ишга олинади. Маоши 1 150 800 сўмдан 1 337 394 сўмгача.

Меҳнат ярмаркасида Самарқанд шаҳридаги “Ишга марҳамат” моно-

ИШГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ 355 киши



маркази, KOIKA касб-хунарга ўқитиш марказидаги ўқув курслари ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, ишсиз ва муайян бир касбга эга бўлмаган 48 нафар фуқаро аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан касб-хунарга ўқитиш учун йўналтирилди.

Касб-хунар курсларини тамомлаган фуқароларнинг 31 нафарига асбоб-ускуналар тарқатилди. Шунингдек, тижорат банклари томонидан 12 нафар

фуқарога кредит олиш учун сертификат тақдим этилди.

Бугун вилоятда ишсизлар сони 158 минг нафарга етди. Ишсизликни камайтириш мақсадида ташкил этилган меҳнат ярмаркаси ҳар бир туманда алоҳида ўтказилса, ишсиз фуқароларга янада қулай бўлар эди. Сабаби, ишсиз фуқаролар Қўшработ, Нуробод, Каттакўрғон каби олис туманлардан иш излаб шаҳарга келмайди.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

Ақлли шаҳарнинг афзаллиги

Самарқанд шаҳрида 10 мингдан ортиқ аҳоли яшашга мўлжалланган “Humo Smart city” - ақлли шаҳар тураржой маскани қурилишида янги технологиялардан фойдаланилмоқда. Худудда видеокузатув йўлга қўйилади ва ягона бошқарув марказидан бошқарилади.

Бу ҳақда Марказий банк вилоят бош бошқармаси ҳамда “Ипотека-банк” вилоят филиали ҳамкорлигида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган пресс-турда маълумот берилди.

Дастлаб ақлли шаҳарнинг қурилиш ишлари кўздан кечирилди.

- 2019 йилнинг ноябрь ойида юқори қулайликдаги замонавий ақлли шаҳарча қурилишини бошладик, - дейди “Нурли келажак ишонч сервис” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Акбарали Қаюмов. - “Humo Smart city”нинг қурилиши уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич жорий йил июнь ойида, иккинчи босқич декабрь ойида ва учинчи босқич 2023 йилнинг тўртинчи чорагида ниҳоясига етказилади.

Айни вақтда мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи бўйича қурилиш ишлари давом этмоқда ва июнь ойи охирига қадар 384 та хонадонни ўз ичига олган саккизта 8 қаватли тураржой биноси фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда.

- Шаҳарчада аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган 25 та объект мавжуд, - дейди “Humo Smart city” ахборот хизмати раҳбари Ҳасан Ҳўжақулов. - Жумладан, бир кунда



2500 ўқувчи ўқийдиган замонавий умумтаълим мактаби биноси, 800 ўринли хусусий мактабгача таълим муассасаси, меҳмонхона, савдо мажмуаси, тиббий марказ, универсал спорт ўйингоҳи, очик ва ёпиқ болалар майдончалари, 1000 ўринга мўлжалланган кўп тармоқли аёллар маркази, ер ости ва ер устида жами 2540 дан ортиқ автомобиль жойлашадиган автотураргоҳлар ўрин олган.

2021 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида мазкур мажмуа қурилишига “Ипотека-банк” АТИБ вилоят филиали томонидан 74 миллиард сўм кредит маблағи ажратилган. Мазкур кредит ҳисобига 1170 хонадондан иборат 24 та кўп қаватли уй қурилмоқда.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.

БИЛАСИСМИ?

Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган хўжаликларга етиштирган маҳсулотларига давлат бюджетидан субсидия ажратилади.

* Паррандачилик хўжаликларига – етиштирган тухумининг ҳар бир донаси учун 50 сўм ва парранда гўштининг ҳар бир килограми учун 1000 сўм;

* чорвачилик хўжаликларига – етиштирган йирик ва майда шохли моллар вазинининг ҳар бир килограми учун 2 000 сўм ҳамда сутнинг ҳар бир литри учун 200 сўм;

* балиқчилик хўжаликларига – интенсив усулда етиштирилган совуқ сув балиқларининг (лосось, форель ва осётр) ҳар бир килограми учун 3 000 сўм, қолган турдаги балиқлар учун 1 000 сўм миқдориди.

Субсидия олиш учун аризалар етиштирилган маҳсулотларни сотишдан олдин myvet.gov.uz сайти орқали худудий “Чорванасл” маркази туман вакилига юборилади.

Анжуманда айтилишича

Вилоятимизда 2021-2022 йилларда 153 гектар майдонда 75 та балиқчилик лойиҳаси учун 72,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Мавжуд балиқчилик хўжаликлариди 1322 гектар майдонда 26,4 миллиард сўмлик 5287 та азэратор ўрнатилди. Натижада хозиргача ушбу майдонлардан 4-5 минг тонна балиқ овланган бўлса, азэраторлар ўрнатилиши билан ўртача ҳосилдорлик 100-150 центнерга етиб, алпи ҳосил 3-4 баробар ортди.

Самарқандда балиқ етиштириш имкониятлари қандай?



Матбуот уйида “Самарқандбалиқсаноат” масъулияти чекланган жамияти директори Ғолиб Негматов вилоятимизда балиқчиликни ривожлантириш истиқболлари ва мавжуд имкониятлар ҳақида маълумот берар экан, балиқчилар тилидаги бу атамага изоҳ берди. — Аэратор – сунъий ҳовузларда ба-

ликларни кислород билан таъминлаш ускунаси ҳисобланади, - дейди Ғ.Негматов. – Соҳада ўсишни таъминловчи бу ускуна ҳақиқатда маҳсулот ҳажмини оширишга хизмат қилади. Шу ўринда вилоятимизда балиқ етиштириш имкониятларига назар ташласак, соҳадаги ўшиш учун асосий омил озуқа таъминоти ҳисобланади. Вилоятимизда етиштириладиган балиқ учун 80 минг тонна омухта ем талаб этилади ва 20 та ем ишлаб чиқарувчи корхонанинг йиллик қуввати 767 минг тоннани ташкил этади. 6 та инкубация цехининг 11 гектар майдонида 1,4 миллиард дона чавоқ тайёрланмоқда. Демак, озуқа ва чавақ тайёрлашда муаммо бўлмади. Шу омиллар ҳисобига жорий йилда балиқ етиштириш ҳажмини 37 тоннадан 48 тоннагача етказиш режалаштирилган.

Маъмурий тартибда ҳибсга олинганлар қандай сақланыпти?

Вилоятдаги маъмурий тартибда ҳибсга олинган шахсларни сақлаш учун махсус қабулхонада 161 нафар ҳибсга олинганлар сақланмоқда. Аслида 2020 йилда ташкил этилган мазкур муассасанинг сиғими 60 нафар шахсга мўлжалланган.

Қабулхонада сақланаётган шахсларнинг яшаш шaroитлари ўрганилганда, уларга кроват ажратилмагани сабабли ётиш учун ерда жой қилинган.

Ҳолат Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) нинг вилоятдаги минтақавий вакили Дийёр Хусанов қабулхонага мониторинг таширфини амалга оширган вақтда аниқланган.

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати вилоят бўлинимаси билан ҳамкорликда ўтказилган мониторинг давомида маҳбуслар овқатлари аутсорсинг хизмати асосида тасдиқланган менюга кўра етказиб берилаётгани кузатилган.

Махсус қабулхонада сақланувчи шахслар учун тиббиёт пункти мавжуд бўлиб, биринчи тиббий ёрдам учун 23 турдаги дори-дармон билан таъминланган.

Бу ердаги шахсларнинг барчаси

меҳнатга лаёқатли бўлиб, 18 нафари ишга жалб этилган. Шундан шартнома бўйича объектларда меҳнатга жалб этилган 16 нафар маҳбусларнинг кунлик ўртача иш ҳақи 40500 сўмни ташкил этади.

Қабулхонада сақланувчи шахсларнинг маданий дам олишлари учун алоҳида хоналар ажратилган ва 10 нафар маҳкумга мўлжалланган кутубхона мавжуд. Унда 150 та бадий ва ҳуқуқий адабиётлар бор.

Қабулхонада сақланувчи шахсларнинг яқин қариндошлари учун бор-йўғи 1 та қисқа муддатли учрашув хонаси ташкил этилган. Оқибатда бу ерда сақланаётган шахсларнинг оила аъзолари билан учрашув ўтказишларида катта навбатлар юзага келмоқда.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ахборот хизмати.

Хорижий тилларни билиш профессионал таълимнинг ажралмас қисмларидан бири бўлиб бормоқда. Турли соҳа вакилларига чет эллик ҳамкорлар билан алоқа қилиш эҳтиёжи юқори бўлганлиги сабабли уларда тил ўрганишга талаб кучли. Шунинг учун замонавий жамиятда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатиш касбий таълимнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда.



Хорижий тилларни ўқитишда педагоглар инновацион технологиялардан қандай фойдаланиши керак?

Самарқанд давлат чет тиллар институтида 2022 йил 25 май кунини “Хорижий тилларни ўқитиш методикаси – инновациялар, анъаналар, муаммолар ва ечимлар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилади. Унда хорижий тилларни ўқитишни янада юқори босқичга олиб чиқиш ҳамда ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотлар билан яқиндан танишиш, уларни амалиётга татбиқ қилиш, ёшлар онгига чет тилларни ўрганишга бўлган қизиқишни уйғотиш, халқаро, маданиятлараро ва тиллараро мулоқотни юксак

даражага кўтариш каби масалалар муҳокама қилинади. Шунингдек, конференцияда хорижий тилларни ўқитиш назарияси ва методикаси, хорижий тил ўқитувчисининг касбий компетенциялари ҳамда хорижий тилларни ўқитишда баҳолаш, IT технологиялар, масофавий таълим, электрон рақамли таълим, мактабгача ва бошланғич таълимда замонавий ёндашувлар каби масалалар шуъбаларда муҳокама қилинади. Уларда хорижий тилларни ўқитишда педагогик маҳорат ва бу жараёнда янги инновацион технологиялардан фойдаланиш кўникмалари,

маданиятлараро мулоқот ва унинг самаралари ҳақида маълумот берилади. Хорижий тилларни ўқитиш жараёнида инновацион усулларни қўллаш натижасида ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилияти ривожланади, нутқи раванлашади, тез ва тўғри жавоб бериш малакаси шаклланади. Бундай усуллар ўқувчида билимга иштиёқ уйғотади. Ўқувчи дарсларга пухта ҳозирлик кўришга интилади. Бу эса ўқувчиларни таълим жараёнининг фаол субъектларига айлантиради.

Дарҳақиқат, инновацион усуллар бутун тизимни модернизация қилишнинг ажралмас қисмидир. Шунга амин бўлган ҳолда ўқитувчилар энг илғор ёндашувлар билан танишишлари ва кейинчалик улардан фойдаланган ҳолда таълим тизимида сезиларли ўсишга эришиши мумкин. Қўллаб-ташкilotлар ахбороти жўнатиш ва олиш учун мультимедиа имкониятларидан фойдаланган ҳолда янги даражага ўтмоқда. Компьютерлар ва бошқа қурилмалардан фойдаланиш таълим жараёнининг муваффақиятини белгилайди.

Айнан мана шундай натижаларга эришишнинг истиқболлари мазкур конференциянинг асосий негизини ташкил этади. Таълим тизими ўз олдига эркин фикрловчи, баркамол, етук шахсларни тарбиялашни вазифа қилиб қўяр экан, ушбу конференция материалларида берилган тавсиялар келгусида педагогларимизнинг инновацион технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда бу борадаги тажрибаларини оширишга хизмат қилади.

Нилуфар ТУРДИЕВА,
Самарқанд давлат чет тиллар институти
кафедра мудири.

Ташкилотимизда 1993 йилда туғилган II гуруҳ ногирони (эркак киши) ишлайди. Қонунчиликда бундай ходимларга кўплаб имтиёзлар бор, дейишади. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ж.НОСИРОВ,
Самарқанд шахри.

II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходим қандай имтиёзларга эга?

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига бу тоифадаги ходимларга бир қанча имтиёз ва кафолатлар берилган. Жумладан,
* I ва II гуруҳ ногиронларига ўттиз календарь кундан иборат йиллик узайтирилган асосий таътил берилади. Йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ўтмасдан олдин ҳам берилади. Таътил уларнинг хоҳишига кўра, ёзги ёки улар учун қўлай бўлган бошқа вақтда берилиши керак.
* I ва II гуруҳ ногиронлари-

га ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади.

* Иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) ногирон ходимларини вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт.

* Иш берувчи белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибига маҳаллий меҳнат органи томонидан

йўлланган ногиронларни ишга қабул қилиши шарт ҳамда ТМЭ-Книнг ногиронларга тўлиқсиз иш вақти режими (I ва II гуруҳ ногиронларига меҳнатга ҳақ тўлаш камайитирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қисқартирилган мuddати) ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайитириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир. Ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш

кунларидаги ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

* I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар қисман (даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 барабари миқдоридagi даромадлар бўйича) солиқ солишдан озод этилади.

Раъно ИСАМИТДИНОВА,
эксперт.



REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tekzor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Авлияев Сулейман Аббасовичга (2020 йил 26 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Рахимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Рахматуллаева Зайнабга (1999 йил 30 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Рахимова Комила Фахриевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Жуманов Абдуқодирга (2015 йил 26 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Назаров Убайдулло Раҳмановичга (2021 йил 26 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Самандаров Султанга (2020 йил 3 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман Давлат хизматлари маркази биносиди.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасида марҳум Искандарова Маликага (2021 йил 2 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Каттақўрғон туманидаги 15-мактабдан 1985 йилда Ашуров Ихтиёр Тошпулатович номига берилган Е № 354878 рақамли саккиз йиллик маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Асатов Санъатхон Ҳамдуллоевич номига берилган О'Р-Ш № 0347981 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттақўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Мамадוליева Севинч Комил қизи номига берилган УМ № 0947913 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 24-ўрта мактабдан 1990 йилда Йўлаҳишев Лутфулла Абсаломович номига

берилган А № 281137 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 43-ўрта мактабдан 1993 йилда Бобомуродов Шаҳбоз Бурхоневич номига берилган А № 206393 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 7-умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Узоқов Мирзобек Шерзод ўғли номига берилган УМ № 0983750 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой туманидаги 37-мактабдан 1992 йилда Астонов Олмас Сайдиралиевич номига берилган ВУ № 283998 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Дарғом туманидаги 54-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Эшонкулов Отаул-ла Элбек ўғли номига берилган УМ № 0524455 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 9-ўрта мактабдан 1994 йилда Очилова Зилола Нарзикуловна номига берилган ВУ № 242530 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 33-ўрта мактабдан 1994 йилда Бурхонова Наргиза Раббимкуловна номига берилган А № 641709 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 27-ўрта мактаб (ҳозирги Самарқанд шаҳридаги 11-умумий ўрта таълим мактаби) дан 1996 йилда Садиева Зулхумор Нематиллоевна номига берилган УЗИ № 360401



БИЗ АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА КЎМАКЛАШАМИЗ

Аҳолининг уй-жойга бўлган талаби йил сайин ортиб бормоқда. Кейинги йилларда бу талабни қондириш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилмақда.

Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрда қабул қилинган “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва 2020 йил 1 майда имзоланган “Аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжатлар билан аҳолига бирламчи уй-жой бозорида қурилган кўп қаватли уй-жойлардан хонадонларни узоқ муддатли ипотека кредитлари ҳисобига харид қилиш имконияти яратилди. Бунда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Юқоридаги фармон асосида 2020 йил 25 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан аҳолига уй-жой сотиб олишида давлат бюджетидан бошланғич бадалнинг бир қисмини ва ажратиладиган ипотека кредитининг 10 фоиздан ортган қисмини 5 йил давомида тўлаб бериш учун субсидия ажратилиши белгиланди.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Самарқанд минтақавий филиали томонидан 2021йил давомида аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида **355** фуқарога **78** миллиард **393** миллион **437** минг сўм, шундан **166** фуқарога давлат бюджетидан ажратилган субсидиялар асосида **38** миллиард **17** миллион **100** минг сўм ипотека кредитлари ажратилди.

2022 йилдан бошлаб давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия асосида уй-жой олиш истагида бўлган фуқароларга сотиб олинadиган уй-жойнинг 5 фоизи миқдорида бошланғич бадал тўлови тўланса, давлат бюджетидан бошланғич бадал учун 32 миллион сўм ажратилади. Банк томонидан ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори 327 миллион 250 минг сўмни ташкил этади. Ипотека кредити 20 йил муддатгача бозор ставкалари асосида, миқдорининг хоҳишига кўра, 6 ойлик имтиёзли давр билан ажратилмоқда.

Шамшод УЗОҚОВ,
“Қишлоқ қурилиш банк” Самарқанд минтақавий филиали бўлим бошлиғи.



Самарқанд шаҳар енгил саноат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежидан 2010 йилда Аслиева Нигора Аббосовна номига берилган рўйхат рақами 37, К № 1685366 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туман Қоратепа маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан 2010 йилда Сулаймонова Латофат Ахат қизи номига берилган К № 1712688 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туман маиший хизмат касб-хунар коллежидан 2013 йилда Мусинова Нилуфар Ҳамит қизи номига берилган рўйхат рақами 86, К № 2499675 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежидан 2018 йилда Бадалов Файзулло Сайфулло ўғли номига берилган К № 5104714 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ агротадбиркорлик касб-хунар коллежидан 2009 йилда Холикова Гулрух Комиловна номига берилган рўйхат рақами 201, К № 1298907 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ агротадбиркорлик касб-хунар коллежидан 2015 йилда Эгамбердиева Зарина Саматилло қизи номига берилган рўйхат рақами 283, К № 3828422 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази жамоаси марказ врач лаборанти Светлана Адамановага ўғли **Арсен АДАМАНОВНИНГ** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

➡ Халқ ўқитувчисидан тавсиялар

Бола илк сабоқни билимли, тажрибали ўқитувчидан олса, келажақда таълимнинг бошқа босқичларида қийналмайди. Шунинг учун ҳам фарзанди келажагига бефарқ бўлмаган ота-оналар боласининг биринчи ўқитувчиси савияли бўлишини истайди. Шундай устозлардан бири Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Ҳикоят Раҳмонқуловадир.



“Ўқувчиларимнинг 90 фоизи яхши ўқирди...”

Ҳикоят Раҳмонқулова 1950 йилнинг 20 майида Пахтачи тумани Зиёвуддин кўрғонида дунёга келди. Тумандаги 24-ўрта мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Унинг биринчи муаллими Саида Қобилова жуда меҳрибон, билимли, оқила аёл эди. Ёш Ҳикоят бола қалби билан биринчи ўқитувчисини яхши кўрар ва у сингари ўқитувчи бўлишни орзу қиларди. Мактабни битиргач, бу орзу қатъий қарорга айланди ва у Бухоро давлат педагогика институтининг бошланғич таълим методикаси факультетига ўқишга кирди. Институтни тугатгач, йўлланма асосида Кармана туманидаги 15-ўрта мактабга ишга юборилди. Бир йилдан сўнг ёш муаллима Пахтачи туманидаги 20-ўрта мактабда бироз ишлади, сўнгра ўзи ўқиган 24-ўрта мактабга ишга келди. Мактаб иккига ажралгач, Ҳикоят опа 25-умумий ўрта таълим мактабида фаолият юритди.

– У пайтлар бошланғич синф ўқитувчилари учун “Бошланғич таълим” журнали чиқарди. Мен журналдаги ҳар бир мақолани ўқирдим ва тавсияларни амалиётда қўллардим, – дейди Пахтачи туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактаби собиқ бошланғич синф ўқитувчиси Ҳикоят опа. – Масалан, бир кунги физика фани ўқитувчимиз Нусрат Хидиров билан биргаликда электр токи билан ишлайдиган кўргазмали қурул ишлаб чиқдик. Ундаги унли ҳарфлар қизил, ундош ҳарфлар кўк рангдаги чироқчалар билан белгиланди. Тажрибада шуни кўрдимки, бу кўргазмали қурул болаларнинг ҳарфларни тезроқ ўзлаштириб олишига ёрдам берди. Шундан сўнг синфимда “Президент партаси” ташкил этдим. Энг яхши ўқиган бола ботириқ қаторининг биринчи партаси, яъни “Президент партаси”да ўтирарди. Болалар шу партага ўтиришга қизиқиб, тиришқоқлик билан ўқишга ҳаракат қиларди. Бундан ташқари, синфда “Кимнинг хати чиройли?”, “Ўйла, изла, топ”, деган кўргазмали қуруллар тайёрладим. Ўқувчилар ичида кимнинг ёзуви

чиройли бўлса, уни рағбатлантирардим. Синфда барча ўқувчилар чиройли ёзишга ҳаракат қиларди. “Ўйла, изла, топ”, деган кўргазмали қурулимга қизиқарли топишмоқ, мисол ва масалаларни ёзиб кўярдим. Ўқувчилар танаффус пайтида топишиқларни олиб, ким тўғри бажарса, унга китоб, дафтар, ручка сингари совғалар берардим. Бу усул ҳам ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишини оширарди. Кейинчалик ушбу методларим вилоят ва республика миқёсида оммалаштирилди.

Ҳикоят Раҳмонқулова нафақат болалар билан, балки уларнинг ота-оналари билан ҳам яхши муносабатда бўлар ва улардан боланинг ўқишини назоратга олишини талаб қиларди. Доим ўз устида ишлар, кечалари рўзғор ишларини тугатиб, болалари уйкуга кетгач, эртанги дарс учун конспект ёзарди.

– Ҳар кун эрталаб “завуч”га конспектимизни кўрсатардик, акс ҳолда, дарсга кириш мумкин эмасди, – дея сўзида давом этади муаллим. – Ўқув йили бошидан пахтага чиқиб кетардик. Пахтадан қайтган қолдирилган дарсларни ўқувчилар ўзлаштириши учун астойдил ҳаракат қилардик. Ўқувчиларга дарс бериш билан бирга, ёш ўқитувчиларга ҳам “Устоз-шогирд” анъанасига кўра, методик ёрдам берардик. Масалан, бир шогирднинг институтни битириб, мактабимизга бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб келди. Иккаламиз ёнма-ён синфларда дарс ўтардик. У баъзан дарсига югуриб келиб, болаларнинг дарсда қатнашишига эътибор берар ва “Нега ўқувчиларим сизнинг ўқувчиларингиздек дарсни яхши ўзлаштиролмаяпти, менга ёрдам беринг”, дерди. Мен вақт топиб, шогирдининг синфига дарс ўтиб берардим. У орқада дарсни кузатиб, ўзига керакли хулосаларни оларди. Бошқа фан ўқитувчилари ҳам янги келган ёш ўқитувчига ўз тажриба ва маҳоратини ўргатарди.

Ҳикоят Раҳмонқулованинг тиришқоқлиги, ўз касбини севиши, ўз устида тинимсиз ишлаши бесамар

кетмади. 1986-1987 ўқув йилида у вилоят “Халқ маорифи аълочиси” нисони билан тақдирланди. Бу мукофот унинг кучига янада куч қўшди. 1990 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

– “Халқ маорифи аълочиси”га муносиб кўрилишим ўз-ўзидан бўлган эмас. Тинимсиз ўз устимда ишлашим, иш тажрибаларимнинг республика миқёсида оммалашishi, ўқувчиларимнинг 90 фоизи “4”, “5” баҳоларга ўқиши ортидан ушбу мукофотга лойиқ топилгандим, – дейди Ҳикоят опа. – Шундай меҳнат қилдим-ки, 1996 йил 7 декабрда Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг қўлларидан “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” фахрий унвонини олишга муяссар бўлдим. Ўқитувчи астойдил меҳнат қилса, бир кун мевасини беришини фаолиятим мисолида кўрдим. Бизнинг давримизда ўқитувчилар катта маош олишмасди, аммо ўз касбига астойдил ёндашарди. Ўқитувчилик касбини танлаган киши биринчи навбатда болани яхши кўриши, уни “ўқий олиши” керак.

Яна бир гап. Болани уриб ўқитиб бўлмайди. Мен дарсга қулоқ солмасдан, тўполон қилиб турган ўқувчини доска ёнига чиқарардим. Ўқувчилар ҳар томондан унга савол берарди. Агар бола саволларга жавоб берса, жойига ўтирарди. Жавоб беролмаса, дарс тугагунига қадар доска ёнида тикка турарди. Айб ўзида бўлгани учун бола мактабга ота-онасини етаклаб келмасди.

Ҳикоят Раҳмонқулова ҳаётининг 34 йилини мактабга бағишлади. Унинг шогирдлари республикаимизнинг турли жойларида меҳнат қилмоқда. Шунингдек, турмуш ўртомчи билан бирга уч ўғил ва уч қизни вояга етказди, уларга чиройли тарбия берди. Фарзандларининг ортидан бир этак набарали бўлди. Бугун Ҳикоят опа 72 ёшни қарши олмақда. Устозни ушбу табаррук ёши билан табриклаймиз.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

Мумтоз адабиётшунослик дарғаси

Шароф Рашидов номидаги Са-марқанд давлат университетиди “Академик Ботирхон Валихўжаев ва мумтоз адабиётшунослик” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилган конференцияда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик, филология фанлари доктори, профессор Ботирхон Валихўжаевнинг ўзбек адабиёти тарихини ўрганишдаги хизматлари ҳақида сўз юритилди.

Конференция ялпи мажлисида Самарқанд давлат университети ректори Рустам Холмуродов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов, Самарқанд шахар ҳокими Фазлиддин Умаров ва бошқалар Ботирхон Валихў-

жаевнинг мумтоз адабиётимиз тарихини ўрганиш ва тадқиқ этиш бора-сида амалга оширган ишлари, юксак инсоний фазилатларини ёдга олдилар. Олимнинг илмий меросини ўрганишнинг аҳамиятига эътибор қаратилди.

– Ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда Ботирхон Валихўжаевнинг илмий фаолияти алоҳида ўрин тутарди, – деди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов. – Олимнинг илмий тадқиқотлари, хулосалари соҳа ривожига улкан ҳисса қўшган. Айниқ-са, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича амалга оширган тадқиқотлари натижасида шу пайтгача адабиётимиз тарихида мавҳум бўлган кўплаб масалаларга ойдинлик киритилди. Жумладан, Алишер Навоийнинг Эронда сақланаётган қўлёзма асари Навоий-

нинг дастхати эканлигини илк бор қайд этган олим сифатида эътироф этилади. Кейинчалик бу асар ҳақиқатда ҳам Алишер Навоийнинг ўз қўли билан ёзилган асар эканлиги исботланди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ўтказилаётган бу конференция ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Илмий-амалий конференция “Академик Ботирхон Валихўжаев илмий меросининг ўзбек адабиётшунослигида тугган ўрни”, “Филологик таълим тарихи муаммолари”, “Ўзбек адабиёти тарихи ва адабий таъсир масалалари”, “Адабий матншунослик: нашр, илмий таҳлил ва талқин”, “Мумтоз асарлар тили ва услуби, ўзбек тили тарихи муаммолари” каби шубҳарларда давом этди.

А.ИСРОИЛОВ.

➡ Насрий масаллар

ҚОЗОННИНГ ГИНАСИ

“Гапни қаранг, “қозонга яқинлашма, қораси юқар”, дейишади. Тавба, қозонни қора қилган ким ўзи? Бўлмаса, келишиб олайлик, қорнингиз оч қолганда, тўй-томошаларда ҳам биздан узокроқ туринг, хўпми, окоси!

ЎРОҚ НИМА ДЕЙДИ?

– Бизнинг яхши ўсаётганимизни Ўроқ асло кўролмайдди. Дарҳол ўришга киришиб кетади, – дебди йўнғичка.

– Яхшиям бахтларингга биз бормиз, бўлмаса хўжайин ёки Кетмон билан чопарди, ёки суғуриб ташларди, – дебди ўроқ.

ТЎҒРИ ЖАВОБ

Ҳамма оғирлик бизнинг гарданимизда, одамлар факат Кўприкни макташади, – дебди уни кўтариб турган темир қозонлар.

– Укажонларим, бундан асло ранжиманглар. Ҳар биримизни алоҳида-алоҳида эмас, жам қилиб айтади-да, дебди унинг устидagi плиталар унга тасалли бериб.

РУЛЬ ВА ТОРМОЗ

– Менинг ишим ўта мураккаб, чунки машинани мен тўғри йўлга бошқараман, – дебди мактаниб руль.

– Қани, мен ҳам ишимни қойиллатиб бажарай-чи, кўраимиз, бир қадам ҳам олдинга силжиганларингни, – дебди тормоз ҳам бўш келмай.

Рост-да, келишиб ишлаганга не етсин!

Нуриддин ЖЎЁЕВ, Иштихон тумани.

Ҳар бир ёдгорлик тарихни эслатади

➡ Хатлардан сатрлар

Мақсадимиз аниқ

Дунёда касблар кўп. Лекин улар ичида шундай улуг бир касб борки, унинг асосида бошқа барча соҳалар шаклланади, тараққий этади. Бу биз танлаган ўқитувчилик касбидир. Шарафли ва масъулиятли касб ҳар биримиздан фидойиликни, меҳнатсеварликни талаб этади. Машаққатларга чидаганларгина маҳорат чўққиларига эришади.

Мактаб жамоамиз ўтган ўқув йилида яхши натижаларни қўлга киритди. 11 нафар битирувчимиздан 6 нафари олий таълим муасссаларига ўқишга кирди. Бу борада туманда учинчи бўлдик.

Ҳали олдимизда вазифалар кўп. Мақсадимиз – эришган ютуқларни мустаҳкамлаган ҳолда таълим сифатини янада ошириш.

Дилмурод ЖЎРАЕВ, Кўшработ туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари.

Мактабимиз математика фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган эмас, лекин Муҳаммад ал-Хоразмий” ворислари кўпчиликини ташкил этади. Масалан, ўтган йили битирувчиларимиздан уч нафари аниқ фанлар йўналишида олий таълим даргоҳларига ўқишга кирди. Бу педагогик жамоамиз учун фахр-ифтихордир.

Мактабимизда олий тоифали ўқитувчилар – Умида Муҳаммадиева, Мавжуда Усмонова, Умидабону Ақобиро-ва ўқувчиларнинг пухта билим олишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Биз бу йил битирувчиларимизнинг 60 фоизи олий таълим даргоҳларига ўқишга қабул қилинишини мақсад қилганмиз.

Сабиха РАЖАБОВА, Самарқанд шахридаги 21-умумий ўрта таълим мактаби директори.

САБОҚЛАР

Кўриб турибмиз, давлатимиз раҳбари маданий ва моддий меросимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш борасида катта ташаббусларни бошлаб, бу соҳада имтиёзлар яратмоқда. Аммо ўзимиз ҳам конституцияда белгиланганидек, тарихий ёдгорликлар, меъморий обидаларни асраб-авайлашга ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Минг афсуски, жойларда жуда катта тарихий намбага айланган тепаликлар йўқ қилиб юборилди. Ҳовузлар, қудуқлар, сардобалар йўқолди. Ваҳоланки, улар йиллар давомида нафақат маҳаллий аҳолининг, балки йўловчиларнинг

ҳам эҳтиёжини қондирган. Унинг ўрнига чегара ҳудудларида замонавий ресторан ва ошоналар пайдо бўлди. Бу яхши албатта, аммо...

“Нурота-Кўшработ-Самарқанд” йўлидаги қудуқлар ташналикни қондирган, бу ердаги кўп йиллик гужум соясида йўловчилар ҳордиқ чиқаришган. Ана шундай дарахтларни ҳам бугун экиб, ўша қудуқларни қовлаб, тарихий пейзаж яратсак, меҳмонлар учун назар тушадиган жой бўлмайми?

Пайариқ туманидаги Одилов қишлоғида Амирсуна деган жой бўларди. Айтишларича, Амир Олимхон Жиззахга

ўтишида ана шу супада дам олиб, маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашган экан. Минг афсуски, ҳозир у супа йўқ.

Чўраш қишлоғидаги Ғойибота манзилгоҳи ҳам ана шундай табарруқ жойлардан эди. Бироқ у бугун қаровсиз ҳолда. Очиғи, мен кўрганларим ва билганларимни айтдим. Қишлоқ ва маҳалла аҳли биргалашиб, тарих билимдонлари ёрдамида ўз ҳудудидаги ёдгорликларни тартибга келтирса, ёшларимизда ўз халқимиз тарихига ҳурмат-эътибор уйғонмайдими?

Турди ТУРСУНОВ, меҳнат фахрийси, Пайариқ тумани.

Ҳаёт сен ўйлагандек равон йўл эмас, Пасту бандани бор унинг бир талай. Шу боис ўйлаб бос ҳар бир қадаминг, Агар қрай десанг йўлда қоқилмаи.

Шунда барча ишинг келиб ўнгидан, Умр кечиргайсан тинчу хотиржам. Ҳаётда ўзининг чин йўлини топиб, Яшаган инсондир энг бахтли одам.

Қўп нарса керак эмас менга ҳаётда, Заминга оёғим тегиб юрса бас. Баъзи кимсалардек беҳисоб бойлик, Ва, мансаб курсисин қилмайман ҳавас.

Биламан, лавозим, давлат ўткинчи, Фақат одамийлик боқийдир, холос. Бирорта инсонга фойдам теккан он, Мен учун зўр қувонч бўлишлиги рост.

Умр ўтиб борар тез оқар сувдек, Вақт келиб тўхтагай, албатта, бир кун. Нима қила олдинг ҳаётга келиб? Ҳаммаси сўралар келганда яқун.

Бу ҳаёт қонуни азалдан азал, Узартиб бўлмағай ҳеч қачон, ҳеч вақт. То сўнгги дамгача покиза, ҳалол, Кимки яшай олса, шунинг ўзи бахт.

Ҳаёт, дўстим, билки иборат эмас, Фақат ташвишлару қулфату ғамдан. Агар шундай бўлса, одамзод буткул, Бош олиб кетарди ёруғ оламдан.

Умрнинг ҳар они синовчи ҳакам, Фақат унда ғолиб қаноат, сабот. Яшасанг бировга тобе бўлмасдан, Шу эрқу виждон-ла гўзалдир ҳаёт!

МАТБУОТ УЙИ

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

МУАССИС: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 466 nusxada chop etildi. Buyurtma . Hajmi 2 bosma tabaq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

O'.XUDOYBERDIYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda